


## **КОРОНАВИРУСНИ БИРГА ЕҢГАМИЗ!**



## **КОРОНАВИРУСНИ БИРГА ЕҢГАМИЗ!**

**МИТРОПОЛИТ ВИКЕНТИЙ**

**Тошкент ва Ўзбекистон епархияси раҳбари**

-Хозирги кунда давлат томонидан эълон қилинган фармойишга биноан тозаликка риоя қилиш, шаҳар бўйлаб кезмаслик, хонадонма хонадон юрмаслик сўралмоқда. Бунга албатта амал қилишимиз лозим. Чунки унинг змирида вирус тарқалмасликнинг олдини олишдек хайрли мақсад қамраб олинган. Проваслав динига эътиқод қилувчилр ҳам буни дилдан ҳис қилиб турибди. Ва Черковга боришни истамоқда. Лекин Патриарх Кириллнинг ўйда қолинглар деган чақириғига кўлоқ тутишимиз керак. Демак биз ҳар биримиз ўзимизнинг қалбимизни тинглашимиз, маънавий жихатдан юксакликка интилишимиз керак. Айни шу мураккаб кунларда биргаликда ҳар қандай муаммони енгиб ўтамиш. Хотиржам бўлайлик, ваҳимага урин йўқ. Худодан сўраймиз бу вирус Ўзбекистондан, Бутун жаҳондан йўқ бўлиб кетсин. Агар биз тавба қилиб ибодат қилсан албатта бизни парвардигор ёрлақайди. Тинчлик ва осойишталик ҳукм суради. Ана шундай дамларда биз пасха байрамини ўз ўйимизда нишонлаймиз. Черков жараёнини Онлайн тарзда тарқатамиз. Хурсандчилик доимо ҳамрохингиз бўлсин. Шундай экан биз барча мураккабликларни биргаликда парвардигор ёрдамида енгиб ўтишимизга ишончим комил.

**ЕЖИ МАЪСУЛЕВИЧ**

**Рим-католик черкови раҳбари**

-Ҳамма ҳозир тушуниб турибдики, Короновирус билаан боғлиқ жараёнларни бошмиздан кечирмоқдамиз. Менинг гапларим яхши эшитилиши учун ниқобимни ечаман. Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, бугунги кунда ҳукумат комиссияси томонидан берилаётган топшириқларга тўла амал қилган ҳолда ниқобларни тақиб юришимиз шарт. Бу фақат ва фақат ўзимиз қолаверса атрофимизда истиқомат қилаётган аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида жорий қилинмоқда. Шунингдек, қўлимизни тез-тез ювиб туришимиз, тозаликка риоя қилишимиз ва ўйда қолишимиз суралмоқда. Бунга барчамиз черков ва масjidга борувчилар ҳам бирдек амал қилишимиз лозим. Шундай экан барча ўйда қолиб ибодат қилсин. Бундай

ҳаракатимиз билан биз Ўзбекистонда короновирус муаммосидан тезроқ қутулишга ёрдам берган бўламиз. Одамлар билан мулоқотга киришиш айни пайтда хавфли .Шунинг учун курсатмаларни бажаришимиз, ўзимиз учун қолаверса соғлиғимиз гаровидир. Афсуски, бу ҳолат пасха байрамига тайёргарлик кўраётган паллаларда рўй берди. Жорий йилнинг 12 апрель куни Христиан дини вакиллари учун муҳим шодиёна байрам ташкил қилинниши керак эди. Шунинг учун биз шароитдан келиб чиқиб мулоқотимизни Черковда ибодатни одамларсиз бажарамиз. Бу жараён онлайн тарзда ўйда қолган ҳолда амалга оширилиши таъминланади. Ўйлайманки, айни шу кунларда мураккаб вазиятларда бу энг мақбул вариантдир. Байрам куни албатта интернет орқали мулоқотга киришамиз. Бу барчамизнинг хавфсизлигимиз учун айни муддаодир. Қолаверса бу фақат инсоният учун балки бутун дунё учун муҳим аҳамиятга эга бўлган жараёнлардир. Шундай экан ҳаммангиз ўйда қолинг. !

### **АРАМАИС ГРИГОРЯН**

#### **Арман апостоль черкови раҳбари**

--Хурматли арманлар, ҳурматли ибодат қилувчилар! Барчангизга маълумки, жорий йилнинг 12-апрел куни Арман апостоль чекови буюк Пасха байрамини нишонлаши лозим эди. Аммо кўриб турганингиздек дунё миқёсида рўй бераётган короновирус туфайли бу сингари тадбирларни оммавий равишда ташкил этиш вақтнчалик тўхтатилди. Шунинг учун бундан олдин ҳам айтганмиз, ҳозир ҳам маслаҳатимиз шуки ўйда қолинг.Шунинг учун ҳам бу галги байрам ёпиқ эшиклар ортида ўтказилади. Жараённи эса ўйда ўтирган ҳолда онлайн режимда кўзатишингиз мумкин. Ҳозирча хонадонда қолиб ибодат қилинг. Сизлардан ўтиниб сўраймиз. Бу ҳаммамиз учун хавфдан холи бўлади. Қолаверса, биз ҳамкорликда иш тутсак ушбу ҳолат тезда ўтиб кетади. Бунга барчамиз аминмиз.

### **АРКАДИЙ ИСАХАРОВ**

#### **Тошкент Яҳудийлар диний жамоаси раҳбари**

-Хурматли дўстлар! Коронавирус туфайли жорий қилинган карантин туфайли Синагогимизда барча байрам тадбирлари вақтнчалик тўхтатилди. Ўйлайманки, бунга барча тушунган ҳолда амал қиласиди. Ҳар бир оиласда, ўйда бу сингари тадбирлар байрам қилинади. Худога шукур бунинг учун ўз вақтида тайёргарлик кўрганмиз. Парвардигор доимо ҳамроҳимиз бўлсин , у биз билан бирга. Ўйлайманки, айни шу кунлари бошимиздан кечираётган жараёнларни биргаликда енгамиз ва у тезда ўтиб кетади. Аминманки, бу жараёнга сизлар тушунган ҳолда амал қиласизлар.

2020-04-08 15:38:59